

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

699 Ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳаси ташкилотларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Давлат активларини бошқаришни янада оптималлаштириш, ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳаси ташкилотларига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Интеллектуал мулк агентлигининг иловага* мувофиқ рўйхат бўйича бино ва иншоотларни ёндош ҳудуди билан ташкилотларга оператив бошқариш ҳуқуқи билан бепул бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Интеллектуал мулк агентлиги ушбу қарорга иловада кўрсатилган бино ва иншоотларнинг бир ой муддатда бел-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

29 (789)-сон

— 83 —

699-700-моддалар

гиланган тартибда топширилишини-қабул қилинишини таъминласинлар ҳамда кейинчалик улардан самарали фойдаланилишини таъминласинлар.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази ҳамда Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 16 сентябрдаги 250-сон қарорининг 10 ва 11-бандлари (Ўзбекистон Республикаси ҚҚТ, 2013 й., 38-сон, 492-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 июль,
516-сон